

Фаолият изчиллиги — асосий мезон

Сессиядан сессиягача бўлган давр Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссиялари учун қизғин фаолият палласи ҳисобланади. Мухбиримиз Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг икки сессия ораллигидаги фаолияти бўйича ушбу кўмига раиси Машқура САФОЕВАга бир нечта саволлар билан муурожаат қилди.

— Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига Сиз бошчилик қилаётган кўмига томонидан тайёрланган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Ушбу қонун лойиҳасининг тайёрланиш жараёни ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берамиз.

— Шу йил 29 августда очилган IX сессия кун тартибига киритилган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича депутатлар, олимлар ва мутахассислардан тузилган ишчи гуруҳи мазкур лойиҳа устида иш олиб бори. Бугунги кунда лойиҳа матни депутатларга тарқатилди.

Бутун қон донорлиги муаммоси тиббий-ижтимоий масалалар ичида энг муҳимларидан бири. Чунки у бир қатор касалликларнинг олдини олиш, даволаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, турли табиий офатлар, эпидемия ва бошқа фақуллода ҳолатларда тезкор ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ.

Анъанага мувофиқ, қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қатор давлатлар тажрибаси ўрганилди. Мақсадимиз донорлар фаолиятининг ва донорлигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини яратиб, давлат ва жамоат тузилмаларининг бу масалага жа-

вобгарлигини қонуний томондан мустақкамлашдан иборат.

— IX сессияда яна қандай тақлифлар билан қатнашмоқчисизлар?

— Олий Мажлисининг бўлажак сессияси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига биноан кўмитамиз томонидан Меҳнат кодексига тегишли ўзгартиш киритиш ҳақида тақлифлар ҳам тайёрланди. Шунингдек, кўмитамизда бошқа кўмиталар томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари ҳам ўрганилди, муҳокама қилинди, улар бўйича қонун лойиҳаларини тақомиллаштириш юзасидан маълум тақлиф ва фикрлар билдирилди.

— Сессиялар ораллигида кўмига қандай назорат-таҳлил ишларини олиб борди?

— Олий Мажлисининг иш режасига биноан Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида бажарилиши масаласи жорий йилнинг биринчи чорагида ўрганилган эди. Унинг натижалари умумлаштирилиб, шу йилнинг 19 апрелида кўмига йиғилишида муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 7 август чоршанба Сوتувда эркин нарҳда № 162 (2990)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЯПОНИЯ ЭЛЧИСИНING ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАНДИ

Япониянинг Ўзбекистондаги Факуллода ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлаб, юртига қайтмоқда.

Шу муносабат билан элчи хонимни Оксаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари К.Накаяманинг Ўзбекистондаги фаолиятини юксак баҳолади.

Маълумки, давлатлараро муносабатлар қай йўсинда ривожланиши кўп ҳафтан дипломатларга боғлиқ. Киоко Накаяманинг Ўзбекистондаги фаолияти бу фикрни яна бир бор тасдиқлади. У элчилик қилган даврда Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари юксак даражада ривожланди. Утган ой сўнггида эса, Президент Ислам Каримов расмий ташриф билан Японияда меҳмон бўлди. Ушбу ташриф давомида мамлакатлари-



миз ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик ҳамда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги исло-

хотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги кўшма баёнотлар имзоланди, ундан ортқ турли ҳужжатлар қабул қилинди.

Ислам Каримов бу хайрли тадбирларнинг барчасида Киоко Накаяманинг улкан улуши борлигини, Ўзбекистон — Япония муносабатлари

ривожига элчи хоним алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб экан, келгусидаги фаолиятида унга омад ва муваффақият тилади.

Киоко Накаяма ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, ватанига бой таассуротлар билан қайтаётганини алоҳида қайд этди.

Таъкидламоқ жоизки, Киоко Накаяма элчилик қилган даврда Япония томонидан Ўзбекистоннинг айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига қўллаб-қувватлаш ажратилган. Элчи юртига қайтиш олдида яна бир шундай хайрли ишни амалга оширади. 7 август кун пойтахтда у яна уч гранта имзо чекади. Япония ҳукуматининг кичик ҳажми лойиҳаларга бегараз ёрдами доирасида ажратилган бу грантларнинг умумий қиймати 139,966 минг АҚШ долларига тенг.

(ЎЗА).

СУРАТДА: кузатиш пойга. Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Олий ислом кенгаши раиси Шайх Муҳаммад Хишом Қаббоний раҳбарлигидаги делегация аъзолари 6 август кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРАГИДА УЧРАШУВ

Сўхбат чоғида мамлакатимизда қарор тоған диний бағрикенглик ва турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат туйғусини мустақкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўз борди. Шу кунини меҳмонлар Тошкент Ислам университети ҳам ташриф буюрди. Делегация аъзоларига мазкур олий ўқув юртининг фаолияти тўғрисида баътафсил маълумот берилди. (ЎЗА).

Тадбиркорликка бағишланди

Навоийда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи вилоят ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди. Семинар-кенгашни вилоят хокими Б.Рўзиев бошқарди. Вилоятда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Вилоятда 10 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг тўққиз ярим мингдан зиёди кичик ва ўрта бизнес вакиллари дидир. Кейинги олти ой мобайнида мингдан зиёд тадбиркор фаолият бошланди. Аммо бу етарли эмас. Вилоятда кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми бор-

йўғи 18 фоизни ташкил этаётди. Утган олти ой мобайнида 306 та кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият кўрсатмаган. Хатирчи, Томди, Учқудуқ ва Қонимех туманларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этиш бугунги кун талабидан орқада қолмоқда. Семинар-кенгашда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратиш, ишлаб чиқарилаётган махсулотларни сотишда кўмаклашиш, майда улгурчи дўконлар сонини янада кўпайтириш борасида фикр алмашилди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулки кўмитаси раиси У.Исмоилов иштирок этди.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

«Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамиятларининг 2001 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш натижаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги ҳосилни қабул қилиб олиш, қайта ишлашга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Янги ҳосил талориғи

Вилоят пахтакорлари 2001 йилда давлат пахта хомашиси сотиш бўйича шартномавий режаларини бажара олмаган эди. Аммо пахта етиштиришдан олдин даромад салмоқли бўлди. Бунақа пахтакорлар ва саноatchиларнинг ақин ҳамкорлигида ишлагани қўл келди. Пахтачиликка қарий 32 миллион сўм даромад олишга эришилди. Бу борада деҳқонлар асосий эътиборини махсулот сифатида қаратгани туфайли шундай натижага эришилди. Қабул пунктларида 325 минг 476 тонна пахта топширилган бўлса, шундан 75 фоиз биринчи навга қабул қилинди. Вилоят бўйича 110 минг 804 тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқарилди. Тола ажратини 33,9 фоиз ўрнига 34,4 фоизни ташкил этди. Бу республикада энг юқори кўрсаткичдир. Вилоятда тайёрланган пахта толасининг 98,6 фоиз хорижга экспорт қилинди.

Жорий йилда эришилган муваффақиятларини янада мустақкамлаш талаб этилади. Бунинг учун пахтачилик қайта ишловчилар ҳосилни қўтиб ўтирмай, ҳозирдан деҳқонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, пахта етиштириш ва уни топшириш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим. Контракция шартларининг бениҳсон бажарилишини, заводлардаги асбоб-ускуналарнинг маъсул ва пухта шайлаб қўйилишини таъминлаш бугунги долзарб вазифалардандир. Илгирлигида вилоят ҳокими Б.Хамидов шпирок этди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

Ўқинг! Саҳифага СИҒМАС бу кўнгил 2-бет

Ўзбекистон ва жаҳон Урумчида атлас биринчи



лар фестивалида ҳам шундай бўлди. Таркиби 19 аъздан иборат Ўзбекистон делегациясини 92 нафар янги либосларнинг бирин-кетин намойиш этганда, ад-ял ёнаётган атласлар, адраслар, бекасам шойиларга камалак жиловлари томошабинлар кўнглига қўчгандай, хоналар нурланиб кетгандай бўлди. Албатта, Япония, Франция, Корея, Таиланд, Гонконг, Россия, Қозғоистон миллий мато ва либосларда ҳам уйғунлашган янги русумдаги жиҳатлар пайқаш мумкин эди. Аммо атлас ва бекасам кийимлар бичимиданги матоларнинг ўзи майинлиги, сержилоглиги билан унгулек. Бу намойишларни ташкил этишда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти декани Халида Комилова, шу институтнинг доценти Лола Шомухиддинова, мода маркази бандий раҳбари Дилра Ҳожибоевнинг хизматлари катта.

Ўзбекистонликларнинг либослар намойиши энг юқори баҳолини, махсус «Диплом» билан тақдирланди.

Ўзбекистонлик дизайнерларнинг бу халқаро фестивалдаги муваффақиятларини Урумчи шаҳар ва Хитой Марказий телевиденесини бир неча бор намойиш қилди ва газиета журналларда мақолалар, лавҳалар чоп этилди. Ўзбекистон вакиллари-нинг халқаро миқёсдаги ютуқлари Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллигига муносиб тўғра бўлди.

САРАТОНДА ЧИГИТ ЭККАН ФЕРМЕР

Едингида бўлса, газетамизнинг шу йилги 20 июнь сонинда чоп этилган «Саратонда чигит эккан фермер» сарлавҳали мақолада ана шундай жумлалар битилган. Гап Жарқўрғон туманидаги «Бекавалод» фермер хўжалиғи бутлур шартнома режасини барбод қилгани, шунга қарамай, унинг раҳбари жорий йил ҳисобидан катта вазъа бергани ҳақида борганидир. Хўш, амалда-чи? Иш вазъада яраша йўлга қўйилди-ми? Афсуски, йўқ! Исботи — мухбиримиз 12

«Халқ сўзи» назоратида «...Абдумўминов ҳокимга «2002 йилда ишимизда бурилиш қиламиз, чигитни 20 март кунигача экиб бўламиз. Режаларини ошиғи билан бажарамиз», деб сўз қилди. Ҳатто «Айтганимни удаламасам, менга ажратилган ерни ўз ихтиёрим билан топшираман», деб ёзиб ҳам берди. Ҳоким унга бу сўнги сано бўлишини уқтирди...»

Ёмғир битта далага ёққанми?..

июнь кунини ушбу жамоада бўлганида, гафати манзаранинг устидан чиқади. «Бекавалод»чилар пахта пайқалларига қайтадан уруғ қадаётганликларининг гувоҳи бўлади. Бошқалар ҳар таноб ердан миллион-миллион сўмлаб даромад олаётган бир пайтда «Бекавалод» икки йилдан бунён 60 гектар майдонининг умрини зое ўтказётганига астойдил ачинади... Шу муносабат билан яқинда Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. Холмуродовдан қуйидаги расмий жавобни олди:

«Мақола вилоят Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюмаси, унинг Жарқўрғон тумани вақилиғи ва «Бекавалод» фермер хўжалиғи бошлиғи иштирокида ўрганиб чиқилди. Натижада «Бекавалод» 2001 йилги шартномани бажармагани, 90 тонна ўрнига 42 тонна пахта сотиб, режачи атаги 46,6 фоизга удалагани аниқланди. Бундан ташқари, 2002 йилги пахта ҳосили учун апрель ойида чигит экгани, лекин баҳорда об-ҳаво серғин келгани оқибатида уруғ чириб кетгани боис уни қайта экишга мажбур бўлгани аёнлашди. Мажбур ҳолат бўйича «Бекавалод» фермер хўжалиғи раҳбари ва аъзоларига йўл қўйилган хато-камчиликларини бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тақлифлар берилди. Бекавалод тадбирлар ижроси Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюмаси мутахассислари назоратида олинди.»

Ажабо, ёмғир фақат битта далага ёққаними? Утган йилчи? Унда ким айбдор бўлган?..

Ватанамиз мустақиллигининг 11 йиллиги олдида

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ислон КАРИМОВ



Зеро, она Ўзбекистонимиз шундай ажиб бир ўлкаки, унда буюк тоғлар ҳам, чексиз сазорлар ҳам, бепоян чуллар айқирган дарёлар ҳам мавжуд. Ахир, биз ўз Сайхуну Жайхунимиз турганда, Волгаю Миссиссипиларни қуйлаб ҳам яшадик-ку! Бойсун ва Зомин тоғлари таровати қайси бир Швейцария манзараларидан кам? Бир тўртлик бор.

Кимлигини билар эдим озроқ, Билар эдим элга суяклингини. Амударёни кўрганда, бирок Билиб қолдим буюклингини.

— Абдулла ака, суҳбатимизнинг бошида миллий тараққиёт йўлидаги буюк мақсадларимиздан бири сифатида тинчлик-осойишталикни санаб ўтгандингиз...

— Албатта. Эл тинч-хотиржам, юрда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлмаса, барча тоат-ибодатларимиздан не фойда? Ватанда тинчлик бўлсагина, тўйлар татайди, қозонлар қайнайдими, шўх ўланлару шодон ўйин-қўлгилардан диллар ярайди. Тинчлик барқарор бўлсагина, Юртнинг отасидан тортиб оқдий ширини ҳам хузурбахш илҳом тарқ этмайдими.

Шуни гурур билан айтмоқчиманки, терроризм сингари халқро офатни бартараф этишда мамлакатимиз, Президентимиз кўрсатган ва кўрсатаётган саъй-ҳаракатлар наинки ўз юртимиз, балки она сайёрамизнинг осойишталигини таъминлашда ҳам улкан ҳисса бўлиб турибди.

Ватанимиз ва уни ҳимоя қилиш, тинчликни қосиб олиш инсон фарзандининг қонлиги билан белгиловчи энг муҳим шартдир. Яқинда мамлакатимизнинг жанубий шарқларида бўлиб қайтдим. Сафар чоғида Термиз ёнидаги Хайратон кўприги посбоналари билан суҳбатлашдим. Бир нақвирон йилгитга: "Чегарани қўриқлаб турганингизда, ҳаёлингиз нималар кечадими", деб савол бердим.

— "Абдулла ака, дарё ортидаги афтоҳол одамларни кўрганимда, мен Ўзбекистондаги буюк мамлакат фарзанди эканимдан, бунёдкор халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаб турганимдан бошим осмонга етди", деди. Шу сингари илҳомий ҳиссиёт барчамизда бўлса, қандайдир Нокаутларлик бўлса ҳам, кези келганда бир гапни айтмай.

Марҳум Мутал Бурхонов билан Ўзбекистон маданиятини яратганимизда наинки қофия талаблари, балки адолат нуктаи назаридан келиб чиқиб, матнда "тинчлик посбони" иборасини қўйлашди. Шунда Мутал ака ўзгача бир ҳаждон билан: "Абдуллажон, сиз бу иборани бандлардан сузлар деб ҳисобламас, аслида ҳам бу бор ҳақиқат-ку", дегандилар.

Биласизки, Шарқ шеърларида шукроналик мавзуси доимо етакчилик қилган.

Шайх Саъдий бир байтларда бу хусусда жуаа лозик лутф қилганлар. Яъни, нафас олганимда ҳам шукр қил, нафас чиқарганимда ҳам шукр қил. Зеро, бир дақиқа нафас нафас омай ва ифтиқор қилмай ҳам қўйиши мумкин, деган маънони беради ўша машҳур байт.

Шундай экан, биргина мамлакатимиз тинчликнинг жалқимиз осойишталигини изчиллик билан таъминлаб келётганлари учун Президентимиз Ислон Каримовга мингдан-миг раҳматлар айтсақ арзийди.

Жаҳондаги наманам деган не-не буюк давлатлар биз билан ҳисоблашаётган, ҳурматимизни жойига қўётган экан, бунинг асли сабабларидан бири — бизнинг тинчликпарвар сиёсатимизга бўлган ҳурмат ва ишончдир. АҚШдан то Япониягача — улуг ва қудратли давлатлар, қолверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек муътабар халқро идоралар Ўзбекистон ва унинг йўлбарзилиши олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаб тургани ҳам шундан далолат беради.

— Байрамолди тилакларингизни ҳам айтсангиз.

— Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўғри ёзуғи бу билан қўйиб олаётган мана шу шукрулик паллада мен бир гапни баралла айтишни хоҳлардим. Биз, Ўзбекистон наинки жаҳон ҳам-жамиятидан баҳраманд бўлаётимиз, балки биз ҳам улугга тегишли қумак бериб турибмиз. Бу улуг жараён ҳар қандай фахр ва гурурга муносибдир.

Юртбошимиз қонли ишонч билан Ўзбекистон — келажаги буюк давлат эканини эълон ва таъкидлаб келди. Биз ана шу буюкликнинг илк ишончаларини кўрдик, шу буюклик сари улугвор йўлнинг дастлабки олтин зиналарига пойдамамитиз текканидан қўқисимиз фараҳга тула.

Адолат ва ҳамжихатлик — бу йўлдаги мақсад ҳамда асосий қиматларимиз. Ишончлоқ, ушбу эзуғу йўлларимизнинг барқарор бўлишида бундан буюк ҳам бизга омад бер бўлган!

Ўза муҳбири Фулом МИРЗО суҳбатлашди.

тобора ривожланиб бормоқда. **Биргина шу йилнинг ўзида — март ойида Америка Қўшма Штатлари, июль ойида эса Япония Ўзбекистонимиз билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини расмийлаштирди. Ўзбекистон айтганда, эндиликда юртимиз билан бу икки қудратли мамлакат, бир-бирига тўғри кийдириб биродарлашган танти инсонлар англанг, ўзаро қўнмаган дўст тутинди.**

Аёнки, ҳозир жаҳонроқ дўст ва ҳамкоримиз кўп. Шу билан бирга, энди биз Машиқда ҳам, Магрибда ҳам оқибатли, ишонгли, оғир кунларда қўллаб-қувватлайдиган, шун-

баъзи давлатлар эллик-юз йилда босиб ўтган узок тараққиёт йўлини жадал ўтиб келётганимиз ҳам бор гап. Шу ўринда фаровонлик билан маънавий-маърифий дунёмиз ўзаро дахлдор бўлган бир жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Қадимги файласуфлардан бири Сенека шундай деган экан: "Яхши одам улдирик — сопол қосада овқат ея туриб, қосани тилло деб билсин ёнки тилло қосадан таом готинар экан, қосани сопол деб ҳисобласин". Одамни жуда уйлантирадиган теран фикр, мағзи тўқ фалсафа-ку бу.

— Абдулла ака, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳам фаровонлигимизнинг ўзига хос далолати эмасми?

— Бугун мамлакатимизни, ҳеч шубҳасиз, улкан қурилишлар майдонига қийсалас, хато қилмайми.

Президентимиз маърузаларидан бирида андижонликларнинг фаолиятига баҳо берад эканлар, йўл чети-

ланлишлар, ўз навбатида, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маърифатини оширишни, жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришни тақозо этади. Шундай бўлиши керакки, ҳуқуқий муносабатларга киришаётган фуқаро илоҳи борица адвокатга муҳтожлик сезмасин.

Ҳар бир фуқаро, сода айтганда, қонуннинг яшина чирогидея юриб, қизна чирогидея тўхташ керакчилигини ўзи пухта билиб олсин. Фикримча, бу — ҳуқуқий давлат қурлишининг муҳим шартларидан бириндир.

— Ўз навбатида, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

— Маълумки, фуқаролик жамияти

Буюкликнинг олтин зиналари

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат

мон дамларимизни биргаликда баҳам кўрадикан энг яқин ва елкадош дўстларимизга эга бўдик.

— Абдулла ака, ана шу кучли ва илғор давлатларнинг юртимизга бунчалик катта ишонч билдириши ва умуман, дунё ҳамжамиятининг бизга очик ва дўстона муносабатининг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?

— Худда ўринли савол. Фикри оқимча, халқро майдонда эришаётган дадил муваффақиятларимиз замирида, аввало, йўлбошимиз амалга ошираётган оқилона, мардона ва ҳалол сиёсатнинг ҳаётбахш ҳосилалари мужассамдир. Зеро, бу сиёсат халқро ҳуқуқнинг энг одил, инсонпарвар, башариётга ҳар жиҳатдан мақбул келадиган устувор тамойилларга асосланган.

Дунё давлатлари, халқлари ташки ва ички сиёсатимизни эътироф этаётганининг босиш мана шундан, аслида. Худди шу тўғриси улуг Ўзбекистоннинг келажаги, ҳақиқатан ҳам, буюкликка ишонди ва бунчи аниқ тасаввур этади.

Қолверса, табиий бойликларимиз кўлами ва ҳажми, захираларимизнинг нечоғли улканлиги, бебаҳолиги ва хилма-хиллигини жаҳон аҳли жуда яхши билади.

— Ва, ниҳоят, "Қўшнинг — тинч, сен — тинч" деган мақолнинг камроқ доираси жуда кенг. Қўни-қўшни, ҳамкор давлатлар билан муносабатларда Президентимиз улардан ҳар бирининг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришни мунтазам равишда алоҳида эътиборда тутиб келаятир ва бу ҳам жаҳон ҳам-жамиятига манзур бўлаётгани шобъ ҳақиқат.

— Истиклол ва ислохотларимизнинг халқ фаровонлигидан тўтган ўрни қандай?

— Халқ турмуши фаровонлиги мавзусига келсак, фикрим шунки, аслида кўп халқ-ҳаракатларимиз асосида тиркичилик мажбурияти ётиши сир эмас. Осмондан чалпақ ёғмаслиги — аниқ гап. Меҳнатдан мурод — самара, тер тўкишдан мақсад ҳосил хузурини кўрмоқдир.

Шу маънода, об-хавонинг турли инжиқликлари, гоҳ селу дўл, гоҳ қуқчилик, сув тақчиллиги дўд келаятир ва бу ҳам жаҳон ҳам-жамиятига манзур бўлаётгани шобъ ҳақиқат.

Биргина мисол. Мустақиллик фаёли эски, самарасиз "совхоз-колхоз"лар барҳам топиб, пайчилик, ижарачилик, фермерчилик пайдо бўлди ва шаклланди. Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлашларидек, албатта, ер эгасини топиши керак. Шундагина ерга эгаллик қўлаётган одам ўзини деб жон қўйдиради, ўзини ўзи талон-тороқ қилмайдми, олмаган ҳосилни олдими деб қўшиб ёзиш"лардан холи бўлади, ҳалол меҳнатига таяниб, барака кўради.

Алалхусус, кечаги ташландиқ, қаровсиз еринг бугун ҳосилдор, обод бир масканга айланишда, гуллаб-яшнашида муҳим омили бўлаётган фермерчилик каби янги ҳужалик тизимларининг мавқеи беҳад улуг, эртаси порлоқ эканига зигирча шак-шубҳа йўқ.

Юрт бўйлаб теран ва мазмундор ислохотлар жадал давом этаётди. Қийинчиликлар борлиги таъини, умуман муаммоларнинг хали маълум бўлмаган ҳосилни олдими деб қўшиб ёзиш"лардан холи бўлади, ҳалол меҳнатига таяниб, барака кўради.

Бирок, ўтган ўн бир йилда биз

даги гулзорлар, шиман ишқомларни кўриб қанчалик қувонганларини айтиб ўтгандилар.

Дарҳақиқат, бундай фазилатли ишларни бажариш, маънаб талаб этмайдими. Бунинг учун днд ва ҳафсала бўлса киёф. Ўзбекистон — тул диёр. Энди у бошдан-оёқ чаманзорга бурканмоғи шарт. Бунинг учун бизда барча имконият мавжуд ва бу имкониятларга Истиклол тўғриси эришидик.

Ваҳоланки, ёши улугларимиз яхши эласалар керак, собик империя даврида наинки бир иншоот қуриш, гулзорлар барпо этиш, балки бирон-бир мазорни таъмирлаш учун ҳам марказдан руҳсат сўралар ва бундай тартибга бўйсунмаган "ўзбошимиз"лар албатта қаттиқ жазога мустаҳкам этиларди.

Ўтган ҳафтада хизмат сафари билан бир неча вилоятларга бўлдим. Биргина Жиззахнинг ўзида Саъд Вақос зиёратгоҳи бунёд этилганини ёки вилоят маркази ақиниди улкан тепаликда "Боғишом" номли мўъжиза оромгоҳи барпо этилганини бориб кўрдим.

Назаримда, атроф-боран манзарасига юксаканга боқиб ҳайратланишни нотабар киниша ҳузур бағишлаш бобда Жиззах "Боғишом"нинг Парришағи Эйфел мгнорсанга кам жойи йўқ.

Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани марказида мушоира ўтказдик. Бу ердаги амфитеатрли боғ ҳам жаннатоманд гуша бўлипти. Еки Қоракалпоғистон Республикасида Нукус шаҳри юбилейи муносабати билан бошланган қурилиш-таъмирлаш ишлари ёнки Эллиқалъанинг маркази Бустондаги ободончиликларни олиб кўрайлик.

Амир Темур бобомиз таваллуд топан шаҳар — Шахрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш наинки бизнинг руҳий-маънавий бойлигимиз ва энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида бемисл савобга дохил бўлиши мумкин. Шундан ташқари энг азиз байрамимиз арафасида бемисл савобга дохил бўлиши мумкин. Шундан ташқари энг азиз байрамимиз арафасида бемисл савобга дохил бўлиши мумкин.

— Бундай ҳаётбахш ислохотлар давлат ва жамият қурилиши жабҳасида қай йўсунда ўз аксини топаётди?

— Зикр этганимдек, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли турмуш жамиятини шакллантириш — олдими деган эзуғу мақсадларимиздан бири.

Бу борада, давлатларимиз, юртимизда девори яратилганга диққатингизни тортоқчиман. Эски мафкура ҳужронлиги давридагида фарқли ўларок, Конституциямизда қайд этилгандек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — эътибор ва суд ҳокимиятига бўлинишни принципларига асосланган.

Парламентимизнинг икки палатали тизимга ўтиши билан боғлиқ ислохотлар эса бу жабҳада навбатдаги, тубдан янги босқични бошлаб берди.

Табиийки, бу каби ижобий янги-

инсонлар, фуқароларнинг ўз ҳуқуқини таниши ва ўзини ўзи бошқариши принципларига таянади. Олис тарихимизда факатгина бизнинг халқимиз турмуш тарзига хос ўзини ўзи бошқариш усуллари мавжуд бўлган. Шундан бири — маҳалла жамияти ўзининг бетароқлиги билан дунё аҳлини хозирга қадар қолдириб келаятир.

Маҳалла — халқ ҳокимиятининг бир қуриниши, демократид. Шу сабабли бугунги янгиликлар жараёнида ушбу ноёб жамоавий яшаш тарзига юксак эътибор билан қаралаётди. Хусусан, мустақиллик йилларида маҳалла фаолияти тамойилга янги рақиб, янгица мазмун билан бўймоқда.

— Шу ўринда иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий жабҳалардаги ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ эркинлик, демократия, адолат тушунчаларини ҳам шарҳлаб ўтсангиз.

— Аввало, эркинлик тўғрисида. Конституциямизда ва қонунларимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига белгилаб берилган бўлиб, улуг халқро андозаларга тўла мос келадими. Шунингдек, бу борада азалий миллий қадриятларимизга ҳам таянади.

— Темур тузукларида инсон эркинлиги масаласига жиддий, ўзига хос эътибор қартилган. Инчунин, Амир Темур ҳазратлари тўрт мунаси сог одамларнинг тиланчилиги билан машғул бўлишини ҳушламаган, уларни маош тўланадиган ишларга мажбурий равишда жалб этган. "Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вази фа қилса иш берсинлар, токи шу йўл билан гадоллик расми йўқотилсин", дейилди. Тузуқларимизда бундай. Хотин-халлаж, қасалар ва гудаклар, майиб-мажруҳлар бундан мустақно ҳисобланган, албатта.

Бу ўринда жамиятга эиён келтирвчи текинҳўрлик, танбаллик, боқимандлик каби иллатларнинг пайини қирқиша қартилган сиёсат устуворлиги аён.

Демократия борасида ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш йўлидан бораётимиз. Зеро, халқимизнинг неча-неча авлодлари "Диндан чинсан ҳам, элдан чиқма", "Каттага ҳурматда, қичка исзатда бўл" каби шарқона маърифатга йўрилган ҳикमतлар, ёзилмаган одоб-ахлоқ қонунлари руҳида тарбия топан.

Бир мисол келтирай. Баъзи мамлакатларда давлат раҳбарларини ҳақил-мазаҳ қилиш демократиянинг яқол намунаси сифатида эътироф этилса, бизнинг халқимиз бундай ҳолатни айб, ҳатто ҳақорат деб ҳисоблаш ҳеч кимга сир эмас.

Худди шунингдек, миллатчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, ошана-оғайнингчилик маънафатларини ҳимоя қилиб қичқиларига мақола ёзишлар ва улари айна ҳақиқат деб талқин қилиш демократиянинг кўпол бузилиши, деб билан.

Буюк бобоқалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари лутф қилганларидек: **Озига келгани демок недоннинг иши, Олдига келгани омақ ҳайвоннинг иши.**

Умуман олганда, ислохотларимизнинг ҳозирги босқичида барча жабҳаларни эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига устувор вази фа сифатида қаралаётгани аини мундоқдир.

— Ва, ниҳоят, адолат тушунчасига тўхталиш. Адолат, ҳақиқат тушунчаларининг катта-кичиги йўқ. Президентимиз мудоом уқтирганларидек, одам боласи ҳамма қийинчиликларга бардош бериши мумкин, аммо адолатсизликка зинҳор қийдай олмайди.

Шу ўринда, нокаутларлик бўлса

ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеърини келтирай:

Йўқилга дедилар: Даввойингдан кеч, Мана ол, сийму зар сенга қофалат.

Йўқил улгар гапин тингламади ҳеч, Адолат, деди у — фақат адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол, Дедилар: Нима бор қулироқ тулдан?

У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алхол, Адолат ахтарган ўша йўқилдан.

— Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадий ижод, адолат ва ижодкор мавзуда ҳам фикрлашаск. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодидаги муносабатдек ноизи масалаларга ҳолисона, адолат нуктаи назаридан ёндашишга

ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеърини келтирай:

Йўқилга дедилар: Даввойингдан кеч, Мана ол, сийму зар сенга қофалат.

Йўқил улгар гапин тингламади ҳеч, Адолат, деди у — фақат адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол, Дедилар: Нима бор қулироқ тулдан?

У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алхол, Адолат ахтарган ўша йўқилдан.

— Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадий ижод, адолат ва ижодкор мавзуда ҳам фикрлашаск. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодидаги муносабатдек ноизи масалаларга ҳолисона, адолат нуктаи назаридан ёндашишга

ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеърини келтирай:

Йўқилга дедилар: Даввойингдан кеч, Мана ол, сийму зар сенга қофалат.

Йўқил улгар гапин тингламади ҳеч, Адолат, деди у — фақат адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол, Дедилар: Нима бор қулироқ тулдан?

У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алхол, Адолат ахтарган ўша йўқилдан.

— Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадий ижод, адолат ва ижодкор мавзуда ҳам фикрлашаск. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодидаги муносабатдек ноизи масалаларга ҳолисона, адолат нуктаи назаридан ёндашишга

ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеърини келтирай:

Йўқилга дедилар: Даввойингдан кеч, Мана ол, сийму зар сенга қофалат.

Йўқил улгар гапин тингламади ҳеч, Адолат, деди у — фақат адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол, Дедилар: Нима бор қулироқ тулдан?

У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алхол, Адолат ахтарган ўша йўқилдан.

— Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадий ижод, адолат ва ижодкор мавзуда ҳам фикрлашаск. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодидаги муносабатдек ноизи масалаларга ҳолисона, адолат нуктаи назаридан ёндашишга

ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеърини келтирай:

Йўқилга дедилар: Даввойингдан кеч, Мана ол, сийму зар сенга қофалат.

Йўқил улгар гапин тингламади ҳеч, Адолат, деди у — фақат адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол, Дедилар: Нима бор қулироқ тулдан?

У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алхол, Адолат ахтарган ўша йўқилдан.

— Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадий ижод, адолат ва ижодкор мавзуда ҳам фикрлашаск. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодидаги муносабатдек ноизи масалаларга ҳолисона, адолат нуктаи назаридан ёндашишга

ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеърини келтирай:

Йўқилга дедилар: Даввойингдан кеч, Мана ол, сийму зар сенга қофалат.

Йўқил улгар гапин тингламади ҳеч, Адолат, деди у — фақат адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол, Дедилар: Нима бор қулироқ тулдан?

У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алхол, Адолат ахтарган ўша йўқилдан.

Қишлоқда музей

У Асака туманидаги "Навбахор" ширкат хўжалигида очилди

Унда хўжалиkning бой тарихини ўз ичига олган экспонатлар ўрин эгаллаган. Тарихий фотосуратларда, қишлоқ фидойилари, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган кишилар ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.

— Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз, хўжалигимизнинг юксалиш даври музейининг миздан кенг ўрин эгаллайди, — дейди хўжалик раҳбари С. Йўлдошев "Туркистон-пресс" мухбирига.

Мақтаб ўқувчилари эндиликда жонажон ўлка тўғрисидаги дарсларни музей залларида, тарихий ҳужжатлар асосида ўрганиш имконига эга бўлдилар.

Ёз — ўтмоқда соз



Болалар «Тонг»и

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги «Тонг» болалар оромгоҳи энг сўлим жойда — Бўстонлик туманининг Октош тоғ тизмаларида жойлашган. Бу ернинг об-ҳавоси, айниқса тонги шундай гўзал ва мафтункорки, таърифига сўз ожиз. Ёз чилласида шаҳарда офтоб нури бадани куйдиради, оромгоҳда эса баҳорий шабада эсади.

Сир эмас, жаннатмакон Ўзбекистоннинг ҳар томи зилол суви шифобахш, мусаффо ҳавоси танга сиҳатлик ато этади, хасталикни ҳайдайди. Октош

табиатда эса бу хусусиятлар янада кўпроқ муассамланган. Шу боис ҳам «Тонг»ни бемалол сиз ҳаттоқ деб атасак бўлади.

«Тонг»га ташири буюрар эканмиз, танишувимизни оромгоҳ бошлиғи Людмила Васьковская билан эмас, бу ерда дам олаётган фарзандларидан хабар олгани келган ота-оналар билан суҳбатлашишдан бошладик. Бундан мақсадимиз — оромгоҳдаги ҳақиқий шароитни аниқ билиш эди.

— Фарзандимиз Рустамжон шу ерда хордик чиқараяпти, — дейди



Янги шифо масканлари

«Дулдул» қишлоғида қарийб икки ярим минг аҳоли истиқомат қилади. Илгарилари зарур тиббий ёрдам учун 25 километрдан ортқроқ йўл босиб Навбахор тумани марказига келишарди.

Яқинда чекка қишлоқликларнинг мушкул осонлашди. 25 ўринли янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишига топширилди. Уни «Бумяранг» хусусий фирмаси бунёдкорлари гўят қисқа муддатда тўхта эштиди. Шифо масканидаги ташхис, физиотерапия, стоматология, акушер-гинекология, эмлаш каби хоналар энг замонавий

тиббий асбоб-ускуналар, керакли дори-дармон билан таъминланди. Малакали тиббиёт ходимлари иш бошлади. Муҳими, шундаки, туман аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишга бўлган эътибор тобора ошяпти. Замонавий услубда қурилган бундай шифохоналар сони 10 тага етди. Бир неча кун олдин «Истиқлол» ширкат хўжалигининг «Оқолтин» қишлоғида ҳам яна бир қишлоқ врачлик пункти қарийб уч минг аҳоли учун ўз эшиklarини очди.

Кончилар саховати

Қизилқум кенгликларидан меҳнат қилаётган

чўпон-чўликларни, бир-бирдан 60-70 километр орасида жойлашган овуллар аҳолисини вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш, саломатлигини назорат қилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Аввало кум барханлари оша юра оладиган тиббий ёрдам машиналари жуда зарур.

Навоий кон-металлургия комбинати Учқудуқ туманининг олис овулларидаги 5 та қишлоқ врачлик пункти ва участка шифохоналарини «Тез тиббий ёрдам» машиналари билан таъминлади. Чул шароитига мос келадиган «УАЗ-452» русумли автомобиллар чорвадорлар огирини енгли қилмоқда.

Дорихоналар хизмати яхшиланмоқда

Вилоят аҳолисининг дори-дармонга бўлган талабини қондириш мақсадида очик турдаги давлат ҳиссадорлик жамияти, унинг 9 та шохобчаси, 117 та хусусий дорихона фаолият кўрсаяпти. Қисқа даврда қишлоқларда, овулларда ўндан ортқ дорихоналар қурилиб, фойдаланишига топширилди.

«Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Иби Сино» савдо ишлаб чиқариш корхонаси бутунлай қайта таъмирланиб, чет эл асбоб-ускуна-

лари ўрнатилди. Энди 50 дан ортқ турдаги суоқ стерилланган дорилар тайёрлаш имконияти яратилди.

Қарияларни қадрлаш иили муносабати билан дорихоналарда шифобахш шарбатлар, имтиёзли рецептлар бўйича дори-ворлар тарқатиш йўлга қўйилди. Айни пайтда ҳиссадорлар хоржий мадакатларнинг фармацевтика корхоналари ва фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил этиш, дори-дармон воситаларининг янги турларини, тиббий буюмларни ишлаб чиқариш устида бош қотирмоқдалар.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муҳтарам юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ОЗИКОВҚАТСАНОАТ» УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ

ЯНИЙЎЛ «ЛАЗЗАТ»

КАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

сизларни яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам —
Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги билан қутлаб, байрам дастурхонингизга 60 турдан зиёд қандолат маҳсулотларини торттиқ этади.

Улгуржи харидорлар учун бежирим қадоқланган 10 хил янги турдаги шоколадлар, 20 турдаги конфет, 20 турдаги печеньеларни, лимонли, апельсинли, мевали ва ёнғоқли 10 хил шириндан ширин вафлилар ва нон маҳсулотлари учун хамиртурушларни ҳамда «Лаззат» деб номланган тортлар пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга таклиф этилади.

Юқори сифатли ушбу маҳсулотларнинг нархлари бозордагидан анча арзон.

Шунингдек, 2002 йил охиригача қандолат ва хамиртуруш маҳсулотлари етказиб бериш учун шартномалар тузиш давом этмоқда.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1-«А»-уй, «АПКО ЛАЗЗАТ» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти. Тел./факс: 8(260) 2-69-10, 2-82-34.

ҲИҚМАТ

Ақлли одам бошқаларнинг хатосидан ибрат олади.

САВОЛ БИЗДАН...

Ер юзиде шаҳарликлар неча фоиз?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
 Яна бир Капитолий Рим шаҳрида жойлашган.
 Бу ҳақда тошкентлик Георгий Кузьмин хабар берди.

«ТЕЗИНТОМ» ҚК БУЧИРОЙ ВА КАФОЛАТ ДЕМАҚДИР

•МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА ВА УНГА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗЛАР
 •МЕТАЛЛИ ТУРФА РАНГЛИ ПОЛИМЕР ҚОҒЛАМА БИЛАН ПАРДОЗЛАШ
 •ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛ ДЕВОРЛАР ВА ОСМА ШИОҒЛАР ЧИҚАРИШ
 •БАДИЙ САВИЯДАГИ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР
 •ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ - БЕЗАШ МАСАЛАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

«Тежинтом» қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида 1 июлда 1 октябргача бўлган даврда бу маҳсулотлари нархларини сезиларли даражада камайтиришни наъму қилди.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Муаммолиев кўчаси, 1А-й.
 Телефон: + (998-71) 162-42-74, 162-78-59, 162-42-47.
 Факс: + (998-71) 162-41-05. E-mail: Tezintom

ТАХИАТОШЛА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тахياتош шаҳрида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 32 корхона ва ташкилот 124 вакант лавозим ва бўш иш ўринлари билан қатнашди. Иш сураб мурожаат қилганлар шу ернинг ўзиде ишга қабул қилинди.

Меҳнат ярмаркасида 95 киши иш билан таъминланди. Тошкент шаҳридаги қурилушларда ишлаш учун ҳам ишчи ва мутахассислар танлаб олинди.

А.ОРТИҚБОВ,
 ҲА мухбири.

Наманганда бокс бўйича тўртинчи халқаро турнир якунланди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой ва Сурия чарм қўлқоп усталари иштирок этиди.

Мусобақаларнинг мақсади — Фарғона водийсида боксини ривожлантириш ва оммалаштириш,

Водийда бокс ишқибозлари кўп

спортчиларни йирик халқаро мусобақаларга тайёрлашди.

Давлатобод туманидаги «Тўқмачи» саройи рингидаги баҳсларда ўн учта вази тивожаси бўйича кучилилар аниқланди. Совринли ўринларнинг асариятини ўзбек спортчилари эгаллади. Фойдаларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

И.РАЗЗОҚОВ
 (ҲА)

«ФАЙЗ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган байрам — Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги билан қутлайди!

Байрам муносабати билан 20 июлдан 20 сентябргача 26 хил мебель турлари

20 фоиздан 25 фоизгача арзонлаштирилган нархларда

харид қилишни таклиф этади.

ТОШКЕНТДАГИ ФИРМА ДУКОНЛАР МАНЗИЛЛАРИ:

«Файз-Сити», (аввалги «Болалар дуниси») «Файз мебеллар уйи», Сирғали дехкон бозори «Файз-3», Сирғали-3 мавзеси, савдо ярмаркаси «Файз-1», Сирғали-4 мавзеси, «Файз» заводди ёнида «Файз-Фарход», Фарход бозори

«Файз-Уринзор», Уринзор мавзеси «Тулаган Хожик», ХФ, «Зени Жуна» бозори Тошкент шаҳар ҳокимиятининг моддий-техника таъминоти бошқармаси, Уста Ширин кўчаси, 34-уй ҳамда Фарғона вилояти, Богдоқ шаҳридаги дўкон. Матбуот учун телефонлар: 58-03-93, 58-12-22.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Онда ва аёллар муаммолари комиссияси Олий Мажлис депутати, комиссия аъзоси Шуқуридо Ҳикमतова онаси

ҲУРИ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати ва жамоаси Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институтининг Муаммоли илмий тадқиқот клиник экспериментал лабораторияси раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Комилжон ЗУФАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтининг жамоаси институт етакчи илмий ходимлари Шоди ва Қудрат Ҳатамовларга сингиллари

ГУЛЧЕХРАХОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон халқаро экспедиторлар уюшмаси жамоаси «Утемирўлакспедия» Давлат корхонасининг бош директори

Азизхон ЗАҲРИДИНОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзолари, қариндош-уруларига ва меҳнат жамоасига чўқур таъзия билдиради.

Савдо ва тижоратга қўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси банкининг Наманган вилоят бўлими бошлиғи Собирхон Файзиёва волидаи муҳтарамаси

ЛУТФНИСА ҳожи аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
 Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
 М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
 Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
 С. ЗИНИН,
 М. МИРАЛИМОВ,
 С. МУҲИДИНОВ,
 Ш. РИЗАЕВ,
 М. САФАРОВ,
 Р. ФАРҲОДИЙ,
 И. ХУДОЁЕВ,
 И. ШОҒУЛОМОВ,
 О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
 Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хайъат — 133-57-34;
 133-78-92
 Иқтисодий — 136-36-65;
 132-10-65
 Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
 Газетхонлар билан алоқа ва минатақалар — 136-29-89;
 133-07-48;
 Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
 Янгиликлар ва халқаро хайъат — 132-11-15;
 Котибият — 133-10-28;
 Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 777,
 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
 Офсет усулида босилган.
 Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ,
 Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ,
 Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА,
 Мусаввир — О. АБДУЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 700000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
 Т — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
 Корхона манзили:
 «Булок Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
 Топшириди — 21.00.
 1 2 3 4 5 6